Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 131 (20. 698) • 1990 йил 8 июнь, жума • Баҳоси 3 тийин.

- ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИДА ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ
- «ҚУМУШ ТОЛА» ИЖОДКОРЛАРИ ЎЗ ОЛДИЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРДИЛАР

Жумҳурият пиллакорлари: МАРРА ЭГАЛЛАНДИ!

Куни кеча жумҳуриятимиз пиллакорлари давлат қабул пунктларига пландаги 27 минг 850 тонна ўрнига 27 минг 870 тонна «кумуш тола» топширишиб, ўз олдиларига қўйилган вазифани адо этдилар. Белгиланган режа 103, 5 фоизга бажарилди. Ҳар қути ипак қуртидан олинган ҳосил 63 килограммдан ошиб кетди. Ялпи ҳосилнинг 91 фоиздан кўпроғи юқори навларга топширилди.

Бу ғалаба ўзидан-ўзи келгани йўқ. Пилкорлар баҳор мавсуми бошланганидан бери астойдил меҳнат қилдилар. Айниқса ипак қуртининг озуқа базасини янада мустаҳкамлашга эътибор берилгани қўл келди. Шу мақсадда колхоз ва совхозларда янгидан 47 миллион туп тут кўчати ўтқазилди.

Юз минглаб пиллачилар кечани-кеча, кундузни кундуз демай, ипак қуртини қалб қўри, кўз нури билан парваришлаб, фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Ипак қуртига сурункасига мўътадил шароит яратиш пайида бўлдилар.

Шуниси қувончлики, пиллакорларнинг оғир меҳнати ҳам муносиб тақдирланадиган бўлди. 1991 йилдан ҳар бир килограмм пиллага тўланадиган ҳақ 19 сўм 25 тийинга кўтарилди. Бу ўз-ўзидан «кумуш тола» ижодкорларини руҳлантириб юборди. Улар бу йилги қулай об-ҳаво шароитини ва етарли озуқа базасини ҳисобга олиб, ипак қурти боқиш ҳажмини ўтган йилгига нисбатан 46 минг қутига кўпайтирдилар. Жумҳуриятимиз хўжаликларида 600 мингдан зиёд қути ипак қурти парваришланди.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам Фарғона вилояти меҳнаткашлари пилла етиштиришда карвонбошилик қилишди. Улар шу кунгача давлатга 6 минг 100 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб беришди. Умуман, жумҳуриятимиз пилла хирмонининг баракали бўлишига ҳамма вилоятлар муносиб ҳисса қўшдилар. Ленин, Москва, Вобкент, Ғиждувон, Қоракўл, Свердлов, Шаҳрисабз, Фарғона, Охунбобоев, Бағдод, Бувайда, Киров, Қува, Ленинград, Риштон, Тошлоқ, Иштихон районларининг заршунослари бу борада пешқадамлик қилдилар. Юзлаб колхоз ва совхозлар фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиб, белгиланган топшириқларни ортиғи билан бажардилар. Беруний районидан Киров номли колхоз, Қоракўл районидан Киров номли, Жиззах районидан Ҳ. Олимжон номли, Яккабоғ районидан «Қизил юлдуз», Учқўрғон районидан «Андижон», Каттақўрғон районидан «Правда», Ленин йўли районидан Охунбобоев номли, Комсомол районидан «Коммунизм», Янгийўл районидан «Коммунизм», Тошлоқ районидан «Фарғона», Урганч районидан Калинин номли ва бошқа кўпгина хўжаликларда ҳар бир қути ипак қуртидан олинган пилла ҳосили 80-90 килограммга етди.

Ўзбекистондаги мавжуд 14 та ипак қурти уруғи заводлари ва 3 та пиллачилик наслчилиги станцияси ишчи ва хизматчилари колхоз ва совхозларни сифатли ипак қурти уруғи билан таъминладилар.

Бош пиллахона ва қабул пунктлари ишчи ва хизматчилари пиллани қабул қилиш ишларини яхши йўлга қўйдилар. Ҳали пиллакорларнинг ишлари тугамади. Эндиликда бош пиллахоналарда қабул қилиб олинган хом ашё сифатини пасайтирмасдан яхшилаб пишириб, обдон қуритиб олиш ва уларни енгил саноат корхоналарига топшириш вазифалари турибди. Тутзорларда ҳам иш кўп. Ҳамма жойда тут дарахтлари кесиб олинган. Лекин, айрим майда баргли тут дарахтлари кесилмай қолди. Баъзи дарахтлар чала қирқилган. Айни пайтда уларни тозалаб кесиб ташлаш шарт. Акс ҳолда келаси йили барг ҳосили кўнгилдагидек бўлмай қолади. Навдаси кесиб ташланган тут дарахтлари ва тутзорлар қондириб суғорилиши ва тўйимли озуқалар билан парваришланиши зарур. Хуллас келгуси ҳосил учун кураш бугундан бошланишини унутмаслик лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари

И. А. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йилда туғилган, ўзбек, 1964 йилдан КПСС аъзоси, олий маълумотли, Ўрта Осиё политехника институтини ва Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган, инженер-механик, иқтисодчи, иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда «Ташсельмаш» заводининг мастер ёрдамчиси сифатида бошлаган. 1966 йилдан 1983 йилгача жумҳурият Давлат план комитетида ишлади, бу ерда бўлимнинг бош мутахассисидан план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди. 1983 йилда Ўзбекистон ССР молия министри этиб, 1986 йилда эса Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — жумҳурият Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланади. 1986 йилнинг декабрида Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланади.

1989 йилнинг июнидан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби. 1990 йилнинг мартидан — Ўзбекистон ССР Президенти.

СССР халқ депутати.

А. С. ЕФИМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби

Анатолий Степанович Ефимов 1939 йилда туғилган, рус, 1966 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Ленинград механика институтини, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясини тамомлаган, инженер-механик.

Меҳнат фаолиятини 1962 йилда Ленинград станоксозлик заводининг инженер-конструктори сифатида бошлаган. 1965 йилдан буён комсомол ва партия ишидадир. Ленинград вилоят партия комитети бўлимининг инструктори, КПСС Тихвин шаҳар комитети ва Виборг район комитетининг биринчи котиби бўлган. 1986 йилда Навоий область партия комитетининг биринчи котиби, 1988 йилнинг сентябрида эса Ўзбекистон ССР халқ назорати комитетининг раиси этиб сайланади.

1989 йил июнидан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби. КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзод. СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутати.

А. И. ИКРОМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби

Акмал Икромович Икромов 1932 йилда туғилган, ўзбек, 1957 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли. Самарқанд совет савдоси институтини ва Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган, товаршунос, агроном-олим, иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1954 йилда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг ўқитувчиси сифатида бошлаган, Чилонзор район партия комитетининг иккинчи котиби, вилоят халқ назорати комитетининг раиси, Андижон район партия комитетининг биринчи котиби, Тошкент вилоят партия комитетининг котиби бўлиб ишлаган. Саккиз йилга яқин жумҳурият агросаноат комплекси системасида раҳбарлик ишларида бўлди.

1989 йилнинг сентябридан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби. Ўзбекистон ССР халқ депутати.

Р. А. ПОПОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби

Ринад Александрович Попов 1947 йилда туғилган, рус, 1972 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Краснодар политехника институтини, Ростов олий партия мактабини, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар ва социал бошқарув академиясини тамомлаган. Қурувчи-инженер. Иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1969 йилда Бурятия АССРда қурилиш бошқармасининг мастери сифатида бошлаган. Комсомол ишида ишлаган. 1973 йилдан партия ишида: Анапа шаҳар комитетининг биринчи котиби этиб сайланган, Краснодар ўлка партия комитети иқтисодий бўлимига бошчилик қилган, КПСС Марказий Комитети бўлимининг инструктори бўлган. 1987 йилда Тошкент вилоят партия комитетининг иккинчи котиби этиб сайланди.

1989 йил сентябридан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

Ж. ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби

Жаҳонгир Ҳамидов 1930 йилда туғилган, ўзбек, 1960 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Ихтисоси — шифокорлик. Биология фанлари доктори, профессор Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

Меҳнат фаолиятини 1956 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтининг ассистенти сифатида бошлаган. 1960 йилдан илмий иш билан шуғулланган. Биохимия институтига бошчилик қилган. Сўнгра Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология фанлари бўлимининг академик — котиби бўлган.

1989 йилнинг августидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби. Ўзбекистон ССР халқ депутати.

Д. Д. БЕРКОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари

Дмитрий Дмитриевич Берков 1939 йилда туғилган, рус, 1965 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтини тамомлаган, инженер-гидротехник.

Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Ставрополь ўлкасида қурилиш-монтаж участкасининг иш юритувчисилигидан бошлаган. 1973 йилдан партия, совет ишида. Ставрополь шаҳар ижроия комитетининг раиси, КПСС Марказий Комитетининг инструктори бўлган, Қорақалпоғистон вилоят партия комитетининг иккинчи котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби этиб сайланган.

1989 йилнинг августидан — Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари.

М. И. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси

Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов 1928 йилда туғилган, ўзбек, 1948 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Фарғона давлат педагогика институтини ва Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган, ихтисоси — ўрта мактаб муаллими, иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1943 йилда Наманган вилоят Янгиқўрғон районининг мактаб муаллими сифатида бошлаган. 1949 йилдан комсомол, сўнгра партия, совет ишида. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи котиби, Фарғона вилоят партия комитетининг иккинчи котиби, Фарғона вилоят ижроия комитетининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Наманган вилоят комитетининг биринчи котиби этиб сайланган. 1989 йилнинг майида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланди.

1990 йил мартидан — Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси. СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутати.

Ҳ. О. ИСАМУҲАМЕДОВ,
Тошкент тепловоз депосининг тепловоз машинисти

Ҳабибулла Олимжонович Исамуҳамедов 1937 йилда туғилган, ўзбек, 1968 йилдан КПСС аъзоси. Ўрта махсус маълумотли, Тошкент темир йўл транспорти электромеханика техникумини тамомлаган, техник-механик.

Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Самарқанд шаҳридаги тепловоз депосининг тепловоз машинисти ёрдамчиси сифатида бошлаган. 1961 йилдан Тошкент шаҳридаги тепловоз депосида аввал машинист ёрдамчиси, 1965 йилдан эса тепловоз машинисти бўлиб ишлаяпти. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, иккита Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими».

С. МАМАРАСУЛОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг биринчи котиби

Солижон Мамарасулов 1930 йилда туғилган, ўзбек, 1958 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тамомлаган, инженер-гидротехник, техника фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1953 йилда «Узгипроводхоз» лойиҳа институтининг лойиҳаловчи инженери сифатида бошлаган. Ана шу институт директори, сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари, «Узглавводстрой» бошлиғи, жумҳурият мелиорация ва сув хўжалиги министри, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган. 1978 йилда Андижон, 1985 йилда Сурхондарё вилоят партия комитетларининг биринчи котиби этиб сайланади.

1989 йилнинг октябридан — Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг биринчи котиби. КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзод. СССР халқ депутати.

Р. МАМАТОВА,
Жиззах вилояти Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз-техникуми пахтачилик бригадаси бошлиғи

Рўёб Маматова 1939 йилда туғилган, ўзбек, 1967 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Агроном олим.

Меҳнат фаолиятини 1953 йилда Қашқадарё вилояти Ғузор районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси сифатида бошлаган. 1968 йилдан 1970 йилгача Сирдарё вилояти Ильич районидаги Волков номли совхоз инженери бўлиб ишлаган.

1970 йилдан — Жиззах вилояти Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз-техникумининг пахтачилик бригадаси бошлиғи. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги орденлари, медаллар билан мукофотланган. Халқ депутатлари район ва вилоят Советларининг депутати, Жиззах вилоят партия комитетининг аъзоси, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг делегати.

Ш. Р. МИРСАИДОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси

Шукурулла Раҳматович Мирсаидов 1939 йилда туғилган, ўзбек, 1962 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Тошкент молия-иқтисод институтини тамомлаган, иқтисодчи, иқтисод фанлари доктори.

Меҳнат фаолиятини 1959 йилдан Тошкент вилоят план комитетининг иқтисодчиси сифатида бошлаган, Тошкент шаҳар ижроия комитети план комиссиясининг раиси бўлиб ишлаган. 1981 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг ўринбосари, сўнгра биринчи ўринбосари, 1984 йилда — жумҳурият Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланади. 1985 йилдан — Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ижтимоий-иқтисодий бўлимининг мудири, 1989 йилнинг августидан эса Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — жумҳурият давлат план комитетининг раиси.

1990 йилнинг мартида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинланган. Ўзбекистон ССР халқ депутати.

С. Д. НИЕТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон вилоят комитетининг биринчи котиби

Соғиндиқ Давлатёрович Ниетуллаев 1948 йилда туғилган, қорақалпоқ, 1975 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли. Жумҳурият рус тили ва адабиёти институтини, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ихтисоси рус тили ва адабиёти муаллими, ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1971 йилда Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги ўрта мактаб муаллими сифатида бошлаган. 1974 йилдан комсомол, совет, партия ишида. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимининг инструктори бўлган, Ленинобод район партия комитетининг Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланган. 1988 йилда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси бўлган.

1989 йилнинг июлидан — Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон вилоят комитетининг биринчи котиби. Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ депутати.

А. И. ФОЗИЛБЕКОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи котиби

Атҳамбек Иброҳимович Фозилбеков 1940 йилда туғилган, ўзбек, 1966 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Тошкент политехника институтини тамомлаган. Инженер-технолог, техника фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1963 йилда Тошкент чинни заводининг мастери сифатида бошлаган. 1975 йилдан партия ишида: «Миконд» заводи парткомининг котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимининг инструктори, бўлим мудирининг ўринбосари, Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи котиби, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби.

1989 йилнинг октябридан — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи котиби. Ўзбекистон ССР халқ депутати.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузаси ва Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи юзасидан музокаралар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси

Ш. Р. МИРСАИДОВ нутқидан

КПСС XXVIII съездига тайёргарлик мобайнида нафақат танқид, ҳатто партияга туҳматлар ҳам авж олиб кетди.

Ҳа, биз партия раҳбарлигидаги хатолар фақат ўтмишдагина эмас, ҳозирги қайта қуриш даврида ҳам юз берганлигини очиқ эътироф этамиз. Жамиятни янгилашнинг аниқ стратегик йўли ишлаб чиқилмади. Партия фаолиятининг, айниқса, иқтисодий сиёсати соҳасида ноизчилликка, ҳар томонга оғишларга йўл қўйилди ва йўл қўйилмоқда. Шунга қарамай, биз бутун партияни ёппасига айблашни нотўғри ва сиёсий жиҳатдан зарарли деб биламиз. Бутун мамлакатни, жумладан жумҳуриятимизни танглик вазиятига олиб келган сабаблар шуни кўрсатиб турибдики, бунинг учун биз партияни эмас, балки унинг ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги айрим раҳбарларини айблашимиз керак.

Партияда одамлар, халқлар фаровонлиги йўлидаги ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этишга тайёр бўлган ҳалол, беғараз коммунистлар ҳар доим бўлган ва бўлиб келмоқда, ҳозир ҳам шундай. Айни шу кишилар бугунги кунда партияни янгилашга қодир бўлган забардаст кучдир. КПСС Марказий Комитетининг обрўси тушиб кетаётган бир фурсатда халқимизнинг ишончига сазовор бўлаётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг айниқса сўнгги пайтлардаги дадил фаолияти бунинг ёрқин намунасидир, бу фаолият унинг обрўсини оширишга олиб келди. Мен, социализм ўзининг имкониятларини тўлиқ бўлди, биз барпо этган жамият боши берк кўча, деган сафсата гапларга тамомила қаршиман.

Агар шундай бўлса, биздаги социал-маданий турмуш яхши йўлга қўйилган, иш ҳақи юқори, меҳнат унумдорлиги баланд, кўп пул тўлайдиган, пенсияларга қўшимчалар бераётган корхоналар, миллионер колхозлар қаердан пайдо бўлди. Ана шундай коллективлар бизнинг республикамизда оз эмас, ҳар бир ноҳия, ҳар бир вилоятда бор. Бунинг сабаблари ана шу коллективларда, ана шуларнинг раҳбарларида, ҳақиқий инсонпарвар, ўз халқига жон куйдирадиган коммунист раҳбарларда.

Маърузада қайд қилинганидек, Ўзбекистоннинг чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш жумҳурият Компартияси янгилаш концепциясининг ажралмас қисмидир. Бунинг асоси эса иқтисодий мустақилликдир. Чунки реал мустақиллик бўлмаса, иқтисодий мустақилликка эришилмаса сиёсий мустақиллик сафсата бўлиб қолади.

Жумҳуриятнинг чинакам суверенитетга эришиши учун ҳукумат ўз манфаатларини бошқа республикалар ва бутун мамлакат манфаатларига қарши қўйишга уринаётгани йўқ, балки уни янгиланган федерация таркибида ўзаро фойдали шартнома асосида миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари эркин белгилаши деб билади.

Мўлжалланаётган бозор муносабатларига ўтишда, аввалларидек, давлатнинг тақсимловчи функцияларини Иттифоқ ҳукуматига қолдириб бўлмайди. Бозор муносабатларига ўтишни республиканинг ўз маҳсулотларига ўзи эгалик қилишсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Иттифоқ министрликлари ва идоралари бизнинг бойликларимизга хўжайинлик ва талон-торож қилишларига энди йўл қўя олмаймиз. Ҳукуматнинг фикрича, Ўзбекистон ССРнинг янгиланган Конституцияси бизга Иттифоқ идораларининг норматив актлари жумҳуриятманфаатларига зид келадиган бўлса уларнинг амал қилишин тўхтатиб қўйиш ёки тақиқлаш ҳуқуқини мустаҳкамлаб, бириктириб бериши керак. Жумҳуриятга тегишли нарсаларни марказдан ялиниб-ёлвориб «ундириб» олиш ўрнига Ўзбекистонга нисбатан бўлган таҳқирли қонун актларини бекор этишни талаб қилиш вақти келди.

Съездга сиёсий маърузада қўйилган вазифаларни амалга ошириш асосида ҳукумат халқ хўжалиги тармоқларини структуравий қайта ўзгартиришни жадаллаштиришимиз, иқтисодиётимизнинг хом ашё етказиб беришга мослашганлигини бартараф этиш борасидаги ишларни фаоллаштиришимиз зарур. Шу мақсадда ҳозирнинг ўзидаёқ республикада илғор жаҳон технологиясидан фойдаланган, чет эл капитали жалб қилинган ҳолда биргаликда кичик ва ўртача корхоналарни ривожлантириш масалалари ишлаб чиқилмоқда, халқ истеъмоли моллари, шу жумладан автомобиллар, видеомагнитофонлар, телевизорлар, магнитолалар ҳамда биз учун янги бўлган бошқа кўпгина мураккаб маиший техника турларини ишлаб чиқаришни белгиламоқдамиз. Бу борада жаҳон илғор технологиясидан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилмоқда. Пировард маҳсулот чиқариш учун кимёвий ишлаб чиқариш имкониятларидан жадалроқ фойдаланиш керак бўлади.

Масалани шу тахлитда қўйиш республиканинг бошқа регионлардан халқ истеъмоли моллари келтиришга боғлиқлигини кескин камайтириш ва бу билан сиёсий маърузада берилган йўл-йўриқларни бажариш имконини яратиб беради. Бозор муносабатларига ўтиш учун барча республикалардаги шароит бир хил эмас. Бизларнинг иш бошлаш шароитимиз, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариш структурамиз, миллий анъаналаримиз, турмуш шароитларимиз ва ҳаёт тарзимиз ҳар хил. Шунинг учун биз ўз хусусиятларимизни рўёбга чиқариш имкониятларимизни ҳисобга олиб бозор муносабатларига ўтиш учун ўз концепциямизга эга бўлишимиз керак.

Мамлакат ҳукумати маърузаси эълон қилингандан кейин бозор иқтисодиётига ўтиш атрофидаги эҳтиросслар ва шов-шувлар авжга чиқиб кетди. Чунки бу муаммо беистисно ҳар бир оилага, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига тааллуқли бўлиб, уларни баб-баравар тўлқинлантиради, шунинг учун айниқса ўтиш давридаги аҳолининг асосий ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳукуматимизнинг асосий вазифасидир. Бугунги аҳволда халқ нархларнинг ошишини қабул қила олмайди, ўртоқлар.

Бу ҳол жумҳурият партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампанияси давомида яққол кўзга ташланди. Ана шу фикрлар ва ҳамма юқорида айтиб ўтилган сабаблар ҳамда худди шу жиҳатлар ва энг муҳими Ўзбекистон аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутиб, биз СССР Олий Советига, мамлакат ҳукуматига телеграмма йўллаб, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишга ўз нуқтаи назаримизни билдирдик. Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистон Компартияси XXII съездига киритилган таклиф, яъни бозор муносабатларига бўлган резолюцияни қабул қилиш таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

Марказий органларнинг қайта қуриш йилларидаги иқтисодий ислоҳот ўтказиш юзасидан чиқарган қарорлари изчил эмаслигини билиб, жумҳурият ҳукумати халқ хўжалигини бозор муносабатлари шароитида амал қилишга тайёрлаш, унинг ўтиш давридаги барқарорлигини таъминлаш юзасидан кенгайтирилган тадбирлар ишлаб чиқди. Маърузада айтилганлардан ташқари, аҳоли турмушининг нормал шароитларини сақлаб қолиш муаммоларини ҳал этишга ва бунинг учун тегишли кафолатлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилди. Тавсия этилган нархларнинг ўзгариши ҳисобга олиниб, аҳоли гуруҳлари бўйича даромадлар ва харажатларнинг ҳақиқий даражаси, энг кам тирикчилик даражаси ҳамда пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилалар ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинмаган бошқа аҳоли қатламлари учун инфляция оқибатларининг компенсацияси белгилаб қўйилди.

Нотиқ қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришдек муҳим масалага батафсил тўхталди. Шу мақсадда, деди у, қишлоқларни газ ва сув билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди, бу ҳужжат яқинда умумхалқ муҳокамасига қўйилади. Бугун биз съездга шуни бемалол айта оламизки, агар қишлоқларни газ билан таъминлаш ҳажми 1989 йилда 700 километрдан ошмаган бўлса, 1990 йилда 1700 километрга етказиш имконияти топилди.

Аҳолини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш учун ўн учинчи беш йиллик мобайнида 24 минг километрга яқин водопровод ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 4 баравар кўп водопровод тармоқлари ўтказиш назарда тутилди, бу ҳол энг оғир экологик аҳволда бўлган Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм вилоятининг ичимлик сув таъминоти муаммосини 1993—1994 йилга бориб тўла ҳал этади ва республика таъминотини жуда ҳам яхшилайди, деган умиддамиз.

Аҳолига ер ажратиб берилаётганлиги ҳукумат олдига меҳнаткашларни бинокорлик материаллари, ссуда, уруғлик, ўғит ҳамда шахсий хўжаликларни ривожлантириш учун барча зарур нарсалар билан таъминлаш юзасидан янги вазифалар қўйди. Шу билан бир қаторда, биз янгидан ташкил этилган якка тартибдаги қурилиш массивларини бутун социал инфраструктураси билан таъминлаш масаласини чуқур ўйлаб кўришимиз керак.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида биз ҳам агросаноат комплексида, ҳам бутун республикада қишлоқнинг ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган инвестиция сиёсатини қайта кўриб чиқмоқдамиз. Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди. Бутун масъулиятни зиммамизга олиб шуни айтамизки, ҳукумат қишлоқ аҳлини мураккаб, ечилиши қийин бўлган муаммолар олдида ёлғизлатиб қўймайди, вужудга келган бу нохуш аҳволни тузатиш учун зарур манбалар ва ресурсларни албатта топади.

Министрлар Совети халқ фаровонлигини ошириш учун нима ишлар қилиш зарурлигини аниқ англаб турибди. Лекин, бу борада ҳукумат куч-ғайратининг ўзигина камлик қилади. Республика барча фаолларининг, корхоналари, ташкилотлари, хўжаликларининг ёрдами, мадади керак, ўзини ватанпарвар деб биладиган ҳар бир киши республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Биз одамларни ўзлари билан бунёдкорлик ишларига олиб боришга қодир бўлган чинакам халқ сардорлари бўлмиш депутатларга айниқса катта умид боғлаймиз. Агар республиканинг депутатлар корпуси ҳақида гапиришга ҳали эрта бўлса, биз шуни афсусланиб қайд қиламизки, ҳозирча бу борада ҳукуматимиз республикамиздан сайланган СССР халқ депутатлари ва айниқса СССР Олий Совети аъзоларидан лозим даражада мадад олаётгани йўқ.

Агар шундай пассивлик бундан буён ҳам сақланиб қоладиган бўлса, сайловчилар тегишли хулоса чиқаришга ҳақлидир.

«Экономика и жизнь» журнали бош муҳаррири вазифасини бажарувчи

И. М. ХУШЕВ нутқидан

Улкан жараёнлар мамлакатни, жумҳуриятни ларзага солмоқда, илгари бу жараёнларни хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик. Халқ энди олдингидек яшашни хоҳламайди. Иқтисодий аҳвол чигаллашмоқда, олдинда эса янги ислоҳот, бозор муносабатлари кутмоқда, улар ҳис-туйғуларнинг янги мавжларини, кундалик зарур молларга, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навонинг ортишидан норозиликларни келтириб чиқаради.

Жамиятимизда юз бераётган жараёнларни ва унда оммавий ахборот воситалари қандай роль ўйнаётганлигини мен ўзим қандай тушунаётганлигим тўғрисида бир қанча фикрларимни айтиб ўтмоқчиман.

«Мақолада беш фоиз ҳақиқат бўлса — ташкилий хулоса чиқариш мумкин» (шундай қилинган ҳам эди), деган сталинча қоиданинг амал қилиши совет халқи учун қандай оқибатлар келтирганлигини яхши биласиз.

Тўғри, ҳозир давр ўзгача. Аммо матбуот сўзи ёрдами билан ҳозир ҳам кўпинча одамлар тақдирини ҳал қилмоқдалар. Бунга мисол излаб узоққа боришга ҳожат йўқ.

ВЦСПС органи «Труд» газетасининг 12-13 май сонларида собиқ ўзбекистонлик, ҳозир эса москвалик журналист Олег Осиповнинг «Ишсизлик: афсона ва ҳақиқат» мақоласи босилди. Худди шу мақолани олиб кўрайлик. СССР халқ депутатлари, жумҳурият ҳукумати, ниҳоят президентимиз ортиқча меҳнат ресурслари, яъни ишсизлик тўғрисида гапирганларида гўё мамлакатни чалғитмоқчи, марказдан пул ундирмоқчи бўлганига муаллиф мутлақо шубҳа қилмайди. Муаллиф юз бераётган жараёнларнинг моҳиятини мутлақо идрок этмасдан газетхонларда ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайдиган қайфият туғдиришга уринади. Бу мақолада яна бир яширин хулоса бор: умуман жумҳуриятни, вилоятлар ва районларни уқувсиз одамлар бошқармоқда, деган хулоса бу. Акс ҳолда муаллифнинг инфраструктурани ривожлантиришга, қўшимча иш жойларини барпо этишга, кўпгина бошқа жиҳатларга доир тавсияларини қандай баҳолаш мумкин? Шундай савол туғилади: ВЦСПС органини журналист чалғитдими ёки редакциянинг ўзи шундай хулоса чиқаришни айтдими?

Мен «Правда» газетасининг Ўзбекистондаги ўз мухбири Виктор Артеменконинг ижодини кўпдан буён кузатиб бораман. У бир неча йиллардирки жумҳуриятимизда яшамоқда ва ишламоқда, ана шу давр халқни, унинг урф-одатлари ва анъаналарини, фикр-ўйлари ва манфаатларини билиб олиш учун етарли бўлса керак. Лекин, афсуски, Артеменко ўз мақолаларида кўпинча халқимга менсимай муносабатда бўлади. Уларда юртдошларимизнинг муаммоларини, тақдирини тушунмаслик, бизга бошқа регионлардан келган ўртоқларга чексиз муҳаббат яқол кўзга ташланади. Адолат, ҳаллоллик ва тартиб ўрнатиш учун Ўзбекистонга юборилган ўртоқларнинг кўпчилиги ана шу юксак фуқаролик вазифасини бажариш учун нолойиқ эканлиги ҳам равшан бўлиб қолди. Ҳушёр тортган халқ уларга аллақачон муносиб баҳо берди, уларнинг кимлигини тушуниб олди. Сўнгра нотиқ «Правда» газетасида эълон қилинган «Қотмаган кўнгиллар», «Тасодифий президент» мақолаларига тўхталиб ўтди. Менда шундай фикр туғилди, деди сўнгра нотиқ, «Правда» таҳрир ҳайъатига, бошқа марказий нашрлар ва оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилиб, ўз мухбирлари тўдасини тузишда республика фикрига қулоқ солишларини талаб қилиш балки ўринли бўлар. Ўзбекистонда рус тилида ёзадиган кўпгина ўзбеклар ва жумҳуриятимизда туғилиб ўсган руслар бор. «Правда» ва бошқа марказий газеталар ва журналларда ўзбекистонлик йигитлар мухбир бўлиб ишлашларини илтимос қилиш керак.

Ўртоқ Орловнинг ўтган кунги «Нон учун паспорт билан» деган луқмаси ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Агар Ўзбекистонда яшашни хоҳласангиз, ҳукумат шундай чоралар кўришга мажбур бўлаётган экан, ўртоқ Орлов, сиз ҳам нон сотиб олиш учун паспортингиз билан борасиз.

Ҳурматли ёзувчимиз Темур Пўлатов ҳам «Московские новости» саҳифаларида муаммолар тугунини чигаллаштиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. Бу унинг виждонига ҳавола. Ишончим комилки, ошкоралик —«нимани хоҳласам шуни гапираман» деган принципнинг тантана қилиши эмас. Ошкоралик энг аввало айтилган гап учун, унинг оқибатлари учун, ҳар бир далилни идрок этиш, текшириш ва уни воқеликка қиёслаш учун масъулият туйғусининг ортишидир.

Жумҳурият матбуоти ва марказий матбуотни мунтазам ўқиб борар экансан, беихтиёр равишда матбуот кундалик турмушимизни ларзага солаётган машақатли муаммолардан четда турибди, бир четда кузатувчилик мавқеини эгалламоқда, деган хулосага келасан. Шундай бўляптики, бир томондан биз, журналистлар жамиятдаги демократик ўзгаришлардан қувоняпмиз, иккинчи томондан фармойишлар, кўрсатмалар бўлишини кутяпмиз.

Ҳозир жумҳурият партия ташкилоти ижтимоий соҳада кўп иш қилмоқда, лекин, таассуфки, матбуот органларимизга қараб бу ҳақда фикр юритиш жуда қийин.

Сўнгра нотиқ «Қора юрак» фельетонининг муаллифи журналист Шароф Ўбайдуллаевнинг тақдирига тўхталди. У порахўр, уюшган жиноятчиларнинг ҳалол инсондан ўч олишига беихтиёр ёрдам бериб қўйган эди. Нотиқ журналистнинг айбини инкор этмаган ҳолда фельетон муаллифига унинг муносиб номини қайтаришни илтимос қилди.

Сайловчилардан Ўзбекистондан сайланган СССР халқ депутатлари номига жуда кўп эътирозлар ва мулоҳазаларни эшитиш мумкин, деди нотиқ. Съездларда ва сессияларда мамлакат ва жумҳуриятимиз учун ҳаётий муҳим аҳамиятга молик масалалар, муаммолар ҳал қилинмоқда. Лекин Ўзбекистонлик депутатлардан бирор қонун лойиҳасини ёқлаб айтилган таклифлар, далиллар ва аксил далилларни эшитдикми?

Муҳокамамиз учун шундай таклиф киритишни зарур, деб ҳисоблайман: жумҳурият партия ташкилотининг, унинг раҳбар органларининг, Марказий Комитет котибларининг ҳисобот давридаги ишини бир қанча босқичга бўлиб, ҳар бирини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш ва ҳар бирига тегишли баҳо бериш керак. Фақат сўнгги, бир йилдан ошмаган даврдаги ишни қониқарли, деб ҳисоблайман.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони

И. В. ФУЖЕНКО нутқидан

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округидан сайланган делегатларнинг якдил фикрича, съездда қилинган маъруза асосан янгиланаётган совет федерацияси доирасида жумҳуриятнинг чинакам суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини қарор топтиришдан иборат мураккаб вазифаларни ҳал этишда бутун ўзбек халқининг пешқадам кучи бўлган Ўзбекистон Компартиясининг истиқболига қаратилгандир.

Биз ҳаммамиз бу йўлни Ўзбекистон аҳолисининг кўпгина қатламлари ғаройиб қўллаб-қувватлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу жараёнлар Туркистон ҳарбий округи жангчиларида жумҳуриятда ишончли мудофаа қобилиятини сақлаб туриш, аҳолини, ёшларни ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялаш, уларни армиядаги хизматга тайёрлаш билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишига ишончни мустаҳкамлаяпти.

Қишки давр таълимининг якунлари шундан далолат берадики, округ қўшинлари сифат кўрсаткичларига ўтиш асосида ҳарбий тайёргарлик даражасини ошириш, жанговар тайёргарлик сифатини такомиллаштириш, интизомни мустаҳкамлаш, байналмилал тарбия соҳаларида муайян даражада олға қадам ташладилар.

Биз ижтимоий-сиёсий, миллатлараро вазият кескинлашган, мамлакатнинг бир қатор регионларида сиёсий беқарорлик ортиб бораётган шароитда Туркистон ҳарбий округининг жангчилари ҳарбий коллективлар жипслигини сақлаб қолишга, ҳарбий хизматчиларда партиянинг танлаб олган қайта қуриш йўли тўғрилигига ишончни мустаҳкамлашга муваффақ бўлдилар, деб ҳисоблаймиз.

Бинобарин, мен бугун Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида шуни айта оламанки, округ коммунистлари, бутун шахсий состави мамлакатимиз Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Очиқ хатини қўллаб-қувватлайдилар. Бизнинг сафларимизда иккиланаётган, КПССнинг мамлакатни тангликдан инсонпарвар социализмга олиб чиқиш қобилиятига шубҳа қилаётган кишилар йўқ.

Сизлар амин бўлишингиз керакки, Туркистон ҳарбий округининг жангчилари мамлакатда ва жаҳонда юз берган мураккаб вазиятда Ватанимизни ҳимоя қилишга ҳамда мамлакатимизда социализмни ҳимоя қилишга тайёрдирлар. Биз жумҳуият Компартияси Марказий Комитети, партия комитетлари ва умуман коммунистлари округ қўшинлари олдида турган масъулиятли вазифаларни ҳал этишда катта ёрдам ва мадад кўрсатаётганликларини мамнуният билан қайд этамиз.

Жумҳуриятда социализмга, армияга қарши, миллатчилик ва бузғунчилик ғоялари, шиорлари ва чақириқлари қўллаб-қувватланмаганлиги ва ёйилмаганлигини ҳам кўриб турибмиз. Айрим мақолаларнинг, хусусан, комсомол газеталаридаги ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги мақолалар муаллифларининг армиядаги иллатларни пеш қилиб жамиятда армия хизматига барқарор салбий муносабатни тарқатиш йўлидаги уринишлари жумҳуриятнинг ҳалол аҳолисининг кўпгина қатламлари орасида қораланди, жангчиларнинг сафларида эса ғазаб ва нафрат уйғотмоқда.

Ҳозир партия органларимиз, Марказий Комитетимизнинг Бюроси бошчилигида жумҳуриятдаги барча кучларнинг мустаҳкам маънавий — сиёсий бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам зарур. Округ қўшинлари бундай иш олиб боришга тайёрдирлар, зотан, биз вазият барқарорлигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиламиз.

Биз ҳозир мураккаб муаммоларни ҳал этаяпмиз, бинобарин, бизнинг муаммоларимизга жумҳурият раҳбариятигина эмас, шу билан бирга аввало, маҳаллий партия органлари, ҳар бир коммунист ҳам эътибор билан қараши керак. Ёшларни армиядаги хизматга тайёрлаш масаласи айниқса жиддий бўлиб турибди. Бу ишда катта нуқсонлар борлигини очиқ айтиш керак. Жойларда армияга чақириладиган йигитларни тайёрлашнинг самарали системаси таркиб топмаган, моддий база чинакамига такомиллаштирилмаётир, айни вақтда ёшлар орасида ахлоқ, маънавият масалалари эътибордан четда қолмоқда, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига эътибор сусайтирилди.

Кейинги пайтларда жумҳуриятнинг бир қатор регионларида армияда хизмат қилишга қарши кайфиятлар вужудга келди. Ҳамма замонларда, дунёнинг ҳар бир мамлакатида ёқасида погони бўлган эркак жамиятнинг таянчи, унинг ишончи, унинг шарафи, унинг виждони бўлиб келган. Айни шу киши халқ ҳаётига ишонч бағишлаб, унга хавотирсиз меҳнат қилиш, фарзандларини тарбиялаб, ўстириш имконини бериб келган. Ҳар қандай мамлакатда, ҳамма замонларда халқ ўз армияси ҳақида, ўз ҳимоячилари тўғрисида ғамхўрлик қилиб келган.

Ҳозир ватанпарварликнинг мустаҳкамлиги ниҳоятда мураккаб синовдан ўтаётир. Журъатсиз кишилар партиядан чиқиб кетмоқдалар. Кетсалар кетаверишсин, ишга садоқатли одамлар, ғояларимиз учун курашга тайёр одамлар қолгани маъқул.

Ёшларимизнинг жисмоний тайёргарлигида, уларга тиббий хизмат кўрсатишда катта нуқсонлар бор. 1989 йилги чақириқ якунларига кўра, ҳарбий хизматга чақирилганларнинг кўпчилиги армия хизматига яроқсиз, деб топилди.

Соғлиқни сақлаш министрлигимиз қандай ишлаётир? Бу вазифалар қандай ҳал қилинаётир? Бу иш ҳақидаги масала турли анжуманларда ва кенгашларда неча марталаб муҳокама қилинди. Лекин иш олға жилмаётир, ҳозирча фақат масалалар, муаммолар кўтарилаётир. Ҳамманинг муаммоси ўзига етарли, уларни эгаллаб турилган лавозим доирасида ҳал этиш керак.

Ёшлар орасида жиноятчиликка, ичкиликка ружу қилганлар, гиёвандлар, ҳеч қаерда ишламайдиганлар, чақириқдан бўйин товлаётганлар сони ошиб бормоқда. Бу рақамни айтиш оғир бўлсада, айтишим керакки, Ўзбекистонда 1989 йилда хизматдан бўйин товлаган йигитлар сони 1986 йилга нисбатан 4,5 баравар кўп бўлди. Бугунгача Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 2539 киши чақириқ пунктларига келмади.

Жумҳуриятдан чақирилган йигитлар хизмати ҳамиша ҳам кўнгилдагидек бўлмаётир. 1989 йилда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган йигитларимиздан 443 киши армиядан қочди. Шу йилнинг биринчи ярмида 214 киши қочиб кетди.

Дунёнинг ҳар қандай мамлакатида бундан минг йил илгари ҳам аскарликдан қочиш оила учун, қишлоқ учун, шаҳар учун шармандали ҳол ҳисобланарди. Хўш, бу масалаларни ҳозир қандай ҳал этаяпмиз? Айрим раҳбарлар ҳатто қочоқлар билан учрашиб, уларга пул ёрдами кўрсатмоқдалар.

Биз ўз томонимиздан халқнинг армияга ишончига путур етказиш, командирлар, сиёсий ходимларнинг ёшлар ҳуқуқларини ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш қобилиятига шубҳа туғдириш йўлидаги уринишларга қарши ҳамма чораларни кўраяпмиз. Бу йўналишдаги кучғайратларимиз тўғри тушунилади ва қўллаб-қувватланади, деб ўйлаймиз.

Яна бир масала: нима учун биз қуролли кучларимиз бўлажак жангчиларининг тарбиячиларига шу қадар ёмон муносабатда бўляапмиз? Ўзбекистоннинг ўзида икки мингдан ортиқ офицер ва прапоршчикнинг квартираси йўқ. Улар ахир, бу ерга ўз хоҳишлари билан келмаганлар, улар ҳам нормал яшаш, фарзандларини тарбиялаш ҳуқуқига эгаларку, ахир. Лекин биз уларга ҳеч қандай шароит яратмаяпмиз. Натижада Қуролли Кучлар сафидан энг яхши офицер кадрлар кетиб қолмоқда.

Биз шуни ёдда тутишимиз керакки, ўз армияси ҳақида ғамхўрлик қилмай қўйган халқ ўзини ҳимоясиз қилиб қўяди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи котиби

А. Н. НОСИРОВ нутқидан

Ўзбекистон Компартияси Марказкомининг маърузасида жумҳуриятимиздаги ижтимоий-сиёсий вазият барча инқирозли қирралари билан очиб берилган. Мавжуд аҳвол аввало ёш авлоднинг ҳаётига, унинг жисмоний ва маънавий камолотига чексиз зиён етказмоқда. Натижада моддий ва маънавий ғарибликдан тинкаси қуриган айрим ёшлар ўз манфур ниятларини амалга оширмоқчи бўлаётганларнинг қурбонига айланмоқда. Шунинг учун ҳам бизнинг съездимиз ёшлар ўртасида яратувчилик, келажакка ишонч руҳини уйғотувчи сиёсий мустақил, мафкуравий аниқ бир ечимга келиши лозим.

Президентимиз ва ҳукуматнинг Ўзбекистон Компартияси сайловолди дастурига асосланиб, амалга ошира бошлаган илк хайрли ишлари ёшларнинг ижтимоий кайфиятига ижобий таъсир этмоқда. Кўплаб оилаларга томорқа учун қўшимча ер ажратилиши, ўзбекистонлик ҳарбий қурувчиларнинг минтақа ҳудудида қолдирилиши, байналмилалчи жангчиларга берилаётган қўшимча имтиёзлар, иқтидорли ёшларга диққат-эътибор берилиши шулар жумласидандир.

Тўғри, булар ҳали жуда оз. Ёшлар муаммоларини ҳал этиш жумҳуриятнинг умумий юксалишига ва Компартиямизнинг ижтимоий, иқтисодий, миллий соҳада олиб бораётган сиёсатига боғлиқ эканини биламиз. Шундай бўлса-да, ёшлар бугунги кунда ижтимоий жиҳатдан муҳофазага олинмас экан, жумҳуриятимизнинг келажаги хавф остида қолаверади. Бошқача қилиб айтганда, Компартиянинг аниқ мақсадга йўналтирилган ёшлар сиёсати бўлиши керак.

Биз Марказий Қўмитанинг янги сайланадиган составига партиянинг ёшлар сиёсати тўғрисидаги масалани махсус кўриб чиқишни ҳамда унинг қарорларини амалга ошириш учун Марказий Қўмитанинг доимий комиссиясини тузишни таклиф этамиз. Жумҳуриятимиз Компартияси делегацияси бу йўналишдаги ишларни КПСС XXVIII съездида ҳам давом эттириши, иқтисодий ислоҳот жараёнида бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ўрта Осиёда яшаётган кам даромадли ёш оилалар учун ижтимоий кафолатлар берилишини талаб қилиши ҳам зарур.

Ёшлар ўртасида олиб бориладиган мафкуравий ишлар мазмунини қайтадан кўриб чиқиш фурсати етди. Чунки турғунлик йилларидаги иш билан сўз ўртасидаги узилишлар натижасида ёшларда жамиятимиз ва партиямизга асос солган қадриятларга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлгани сир эмас.

Коммунистлар Ленинга ва унинг сиёсий меросига тош отаётганларга қатъий зарба беришга ҳар доим ҳам тайёр эмаслар. Чунки уларнинг кўпчилигида Ленин ғояларига садоқат кабинетлардаги доҳийнинг танланган асарлари тўпламларини йиғишдангина иборат бўлиб қолган. Биз партиямиз ва Совет давлатининг асосчиси номини илоҳийлаштирмасдан, бу улуғ инсоннинг хизматларини очиқ-ойдин ёшларга кўрсатиб беришимиз керак.

Бугунги кунда ўзбек халқининг айрим «дўстлари» ёшларга тарих ҳақида ваъзхонлик қилиб, совет даврининг бефойдалиги ва ҳатто зарарлиги ҳақидаги ғояларни тарғиб қилмоқдалар. Шу билан улар кекса авлодга бўлган ҳурмат-эҳтиромларни ерга урмоқдалар. Бу борада биз ҳам ўзимизнинг чуқур ўйламасдан чиқарган қарорларимиз билан уларнинг тегирмонига сув қуймоқдамиз. Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон комсомолининг 40 йиллиги» истироҳат боғи номини ўзгартириш тўғрисида чиқарган қарорини қандай изоҳлаш мумкин? Истироҳат боғини ҳашар йўли билан бунёд этган 60-йиллар комсомоллари номини тезда эсдан чиқариш тўғрими? Йўқ, албатта.

Партиянинг ёшларга, уларнинг келажагига таъсир этиши кўпгина ҳолларда комсомол орқали кечади. Комсомол ёшларнинг муаммоларини ҳал этиб, истакларини қондира олсагина, улар ҳурмат-эътиборга, қўллаб-қувватлашга сазовор бўладилар. Биз ҳар ҳолда ёшлар муаммоларини ҳал этишга уринмоқдамиз. Аммо комсомол бундай ишларни мустақил амалга оширишда етарли имкониятларга эга эмас ва шунинг учун коммунистларнинг сиёсий мададига ҳамда уларнинг давлат идораларига таъсир ўтказишига таяниб иш кўрмоқда.

Бизга доимо «Ҳамма яхши нарса—болаларга, ёшларга» деб ўргатиб келишади. Аслида эса кўпгина ҳолларда бунинг тескарисига дуч келмоқдамиз. Нима учун кейинги вақтда ўнлаб ресторанлар қурилаётган район ва шаҳарларда ёшлар учун маданият саройлари, пионер уйлари бунёд этиш, авария ҳолатидаги мактабларни тиклаш мумкин эмас? Нима учун Қўқон шаҳар кенгаши ўз шароитини шаҳар комсомол қўмитаси биносини тортиб олиш ҳисобига яхшилаши керак? Шу билан бирга жуда кўп жойларда байналмилалчи-жангчилар кенгаши учун бино ажратиб бериш тўғрисидаги ҳукумат топшириғи бажарилмаяпти.

Бугун биз ёшларимизнинг анъаналарга бой ўзбек маданиятига, кўҳна тарихига қизиқиши беҳад ортган бир замоннинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Авлодларнинг маънавий алоқаси тикланмоқда. Аммо ёшларимиз умумжаҳон маданиятидан, айниқса, фан-техника тараққиётидан узилиб қолмасликлари керак.

Жумҳуриятимиз комсомоллари Ўзбекистон ЛКСМ XXIV съездига тайёргарлик кўрмоқдалар. Ана шу съездда комсомолда йиғилиб қолган кўпгина масалаларни ҳал қилиш кўзда тутилмоқда.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузаси ва Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи юзасидан музокаралар

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари — Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи

Қ. Т. РИЗАЕВ нутқидан

Ҳозир шу нарса аёнки, бизнинг давримиз — партияда соғлом кучлар жипслашаётган, кўп партиялилик пайдо бўлаётган шароитда унинг стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилаётган, партия ва жамиятнинг янгиланиши йўлида, халқ ҳокимиятининг ленинча идеалларини қайта идрок этиш йўлида коммунистлар амалда обрў-эътибор қозонаётган даврдир.

Шунга ишончимиз комилки, Ўзбекистон Коммунистик партияси ана шу йўлга чексиз содиқдир. Ҳозир ана шу партия жумҳуриятимиз турмушини ўзгартиришга қодир бўлган ягона ижтимоий кучдир. Буни Ўзбекистон меҳнаткашлари биладилар.

Партиянинг обрў-эътиборини янада ошириш, янги шароитда масъулият билан фойдалироқ меҳнат қилиш, бутун мамлакат миқёсида партиянинг ленинча кучларини жипслаштириш лозим. Партиянинг бўлиниб кетишига йўл қўймаслик, КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури негизида коммунистларнинг муштарак куч-ғайратлари билан янгиланиш стратегиясини ишлаб чиқиш даркор.

Халқ эҳтиёжлари ва орзу-умидларининг унутиб қўйилиши, партия турмуши ленинча нормаларининг, жумҳуриятдаги мустақил ижтимоий-иқтисодий қурилишнинг оёқ ости қилиниши оқибатида биз моддий ва маънавий карахтлик бўсағасига келиб қолдик. Шунга ишончим комилки, партиямиз Конституцияда баён этилганига кўра эмас, балки ўзининг тарихий моҳиятига кўра жамиятнинг пешқадам ва ҳаракатга келтирувчи, йўл бошловчи кучи бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Партия чинакам халқчил, демократик ҳокимият билан биргаликда ҳаракат қилиб жамиятимиз ярасига малҳам қўйиб даволайди.

Шифокор сифатида дардга чалинган соғлиқни сақлаш тармоғининг юзага қалқиб чиқиб турган иллатлари ҳақида гапиришим шарт. Бу соҳа тобора ҳолдан тойиб, фалаж бўлиб қолганининг сабаблари — бутун ижтимоий жараёнларга касофати урган салбий ҳодисалардадир. Шулардан бири — қолдиқ принципига кўра планлаштиришдир. Неча ўн йиллардан буён соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш режаларининг фақат ярми бажарилаётган экан, бу шармандали ҳол эмасми. Чунончи, жумҳурият пойтахтида бу йил 19 та тиббий муассасани қуриш режалаштирилган. 9 та объектда иш 60 фоизгина бажарилди, бошқаларида эса ҳали иш бошланмаган. Чеккароқ районлардаги юмушлар ҳақида гапиришга ҳожат бормикин. Бизнинг муассасаларимизни қурувчилар бефойда объектлар, деб ҳисобламоқдалар.

Район партия комитетлари, ижроия комитетлар, ётоқхоналар биноларини соғлиқни сақлаш эҳтиёжларига бериб, муаммони ҳал этишга уринаяптилар, лекин аслида бу биноларнинг кўпи тўкилиб турибди, нафсиламбирига айтадиган бўлсак, режаси, санитария ҳолатига кўра, булар одамларни даволаш ва дарднинг олдини олиш учун яроқсиздир.

Соғлиқни сақлаш министрлиги ва унинг жойлардаги идоралари ҳисоботларига назар соладиган бўлсак (бу ҳисоботлар ўтмиш йилларидаги партия аппаратининг тазйиқи билан ёзилган эди, албатта), неча ўн йилликлар мобайнида бизда сариқ касаллиги ҳам, минг-минглаб оналардаги камқонлилик дарди ҳам бўлмаган, неча ўнлаб болаларнинг қувватсизликдан эти устихонига ёпишиб кетмаган, гўё эмизикли оналарнинг сутида заҳарли дориворлар «топилмаган» эмиш, биз ана шу заҳри қотил билан далаларимизни абгор қилиб келдик ва ҳозиргача ҳам неча ўнлаб саноат корхоналари ана шу заҳар билан атроф-муҳитни булғамоқда. Болалар ўлими онда-сонда учрайди, деб ҳисоблаб келинди, йигитларимизни эса, соғлиғи жуда яхши, деб армия хизматига жўнатиб юборавердик.

Буларнинг ҳаммаси ёлғон эди. Олам гулистон, деб хўжакўрсинга ёлғон-яшиқни гапириш мумкин эмас. Ошкоралик даврида биз кулфатларимиз ҳақида данғал айтаяпмиз. Маълум бўлдики, бир ёшга етмаган минг гўдакнинг 38 таси нобуд бўлаётган экан, айрим районларда эса 45 гўдакнинг жони узилмоқда. Шунинг ўзи ҳам мамлакатдаги энг юқори кўрсаткичдир. Ана шу кўрсаткич бўйича биз Африкадаги яқинда мустамлакачилик асоратидан озод бўлган мамлакатларга «етиб олдик». Фақат ўтган йилнинг ўзидагина Тошкентга соғлиғи ёмонлашгани учун 50га яқин йигит армиядан қайтиб келди. Буларнинг баъзилари асаб касаллигига йўлиққан. Бошқалари эса юрак хасталиги билан оғриган бўлса ҳам армияга жўнатиб юборилаверган.

Хўш, ким айбдор. Биз, шифокорлар ҳам айбдормиз, ҳарбий комиссариатларнинг буйруғига кўр-кўрона бўйсуниб, «жўнатиш режалари»ни бажариб келдик. Энди бундай бўлмайди. Ҳозир жуда тажрибали шифокор-олимлар ва амалиётчилар чақирув комиссияларида ишламоқдалар ҳамда йигитларни армия хизматига танлаб олишда қонунга ва ахлоқ-одобга риоя этилиши учун барча ишларни қилмоқдалар.

Болаларни, оналарни, бутун жамиятимизни соғломлаштириш учун туб тадбирлар лозим. Биз эса ҳали ҳам эскириб кетган ускуналарда, мослаштирилган биноларда ишламоқдамиз. СССР соғлиқни сақлаш министри кабинетларидан кўрсатма берилгандан кейингина энг янги техника, даволашнинг мукаммал линиялари ва кабинетлари жумҳуриятдаги биноларга келтирилмоқда. Буни қарангки, худди шу кабинетлардан бирор-бир ускунага районларимиздаги ва вилоятларимиздаги эҳтиёжлар аниқроқ кўринаётгандек. Наҳотки, биз ўзимиз ускунани Қарши ёки Бухоро, Тошкент ёки Янгийўлда ўрнатишга қодир бўлмасак.

Ҳозирча эса ўрнатадиган нарсанинг ўзи йўқ. Биз сўраган медицина техникасининг ярмигина қондирилмоқда.

Жумҳуриятга юборилаётган дори-дармонлар етарлими? Эҳтиёжнинг кўпи билан 70—80 фоизини олмоқдамиз. Ўлкамиздаги фармацевтика корхоналари коммунистлари шу ҳақда ўйлаб кўрсалар арзийди.

Давлат миқёсида соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари соҳасида тажриба орттирмоқдамиз. Бунинг нишоналари аён кўриниб турибди: жумҳуриятимиз Президенти ва ҳукумати 5 миллион сўмлик чет эл валютасини ажратдилар; бундан муддао — Сиэтл шаҳри олимлари ва савдо-саноат доиралари вакиллари билан биргаликда юқумли сариқ касаллигига қарши кураш воситалари тайёрлайдиган қўшма корхоналар бунёд этишдир.

Ўзбекистон ССР Президенти кўп болали оналар ва камқонлилик дардига чалинган оналарга қўшимча имтиёзлар тўғрисида Фармон чиқарди. Бу тадбир халқимизнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги амалий қадамлардандир.

Ишончимиз комилки, жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллиги негизида соғлиқни сақлашнинг бошқа муаммолари ҳам шу тарзда тубдан ҳал этилади.

Саноатнинг улкан корхоналари атроф-муҳитни булғамоқда. Аммо жазо чоралари кўрилмаяпти, ҳисоб. Ҳали ҳам кўп болали оиларга мўлжаллаб, болаларнинг яхши таомини тайёрлаш ва уларни сотиш йўлга қўйилмаган.

Шифокорлар тайёрлаш борасида ҳам муаммолар бор. Кўпчилик жумҳуриятлардаги йигит-қизлар шифокорликни ўрганишиб, ривожланган капиталистик мамлакатларда тажриба орттирмоқдалар, лекин ўзбек ёшлари бундан маҳрумдирлар. Тез тиббий ёрдам берадиган ва одамларни ўлим чангалидан қутқариб қоладиган замонавий кўчма амбулаториялар биз учун орзу бўлиб қолмоқда.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг «ризқини» қийиб, маблағни тежаш мумкин эмас. Халқнинг бўлажак насллари насибасини қирқиб пулни тежаш мумкин эмас, мабодо шундай қиладиган бўлсак, ҳалоскорлик ва меҳр-мурувват деган жамғармаларнинг ўзи ҳам бемаънилик бўлиб қолур эди.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг муаммолари хусусида давлат миқёсида ғамхўрлик қилиш ва бу масалаларни ҳал этиш учун партиявий масъулият керак. Шифокорлар ва илмий кадрлар тайёрлаш, уларнинг турмуши ва фароғати, миллион-миллион одамларнинг сиҳат-саломатлигини сақлашга қаратилган шифокорларнинг фидокорона меҳнатини моддий жиҳатдан рағбатлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш шулар жумласидандир.

• Съезд залида суҳбат

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди кунлари. Марказий Комитетнинг съездга Сиёсий маърузаси унинг қатнашчилари тилида ва дилида. «Дадил, очиқ-ошкора айтилган, жумҳурият сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг ютуқ ва камчиликлари ҳам, муаммолари ҳам ғоят чуқур таҳлил этилган маъруза бўлди. Музокарада сўзга чиқаётган делегатларнинг нутқлари ҳам ана шу даражада». Съезд делегатларининг умумий фикри ана шундай. Танаффус пайтларида бир қатор делегатлар билан учрашиб, анжуман кун тартибига киритилган ва муҳокама этилаётган масалалар ҳақида улар билан суҳбатлашдик, маъруза ва музокараларда ўртага қўйилган вазифалар, уларни ҳал этиш юзасидан фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан ўртоқлашишларини сўрадик.

АМАЛИЙ ИШ КЎПРОҚ БЎЛСИН

Г. ҲАЖИЕВ, Тўрткўл район партия комитети биринчи секретари: — Маъруза қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, янги сиёсий системада жумҳурият коммунистларининг ўрни ва мавқеи аниқ, лўнда, ўта жиддийлик билан, энг муҳими, танқид ва ўз-ўзини танқид асосида таҳлил этилганлиги билан чуқур таассурот қолдирди. Менимча, съезднинг барча делегатлари ўзларини қизиқтираётган саволларга, коммунистларнинг наказларига батафсил жавоб олдилар. Кечаги мажлисдан сўнг кечқурун райондаги 2 минг 700 коммунист номидан съездда иштирок этаётган беш делегат йиғилишини ўтказиб, сиёсий маърузани яна бир карра муҳокама этдик ва уни тўла қўллаб-қувватлашга қарор қилдик.

Маърузада интизом ва масъулиятни мустаҳкамлаш, бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш зарурлигига алоҳида урғу берилган. Сирасини айтганда, мана шулар партия ишини қайта қуришнинг асосий талабларидир. Ана шунга риоя этмай ва уни амалга оширмай туриб, партиявий иш усул ва услубларини янгилаш, сўз ва иш бирлигини таъминлаш жуда оғир кечади. Зеро, қарор ва ижро партиявий ишнинг маёзи.

Биз автоном жумҳуриятда биринчи бўлиб бошланғич партия ташкилотлари статусини ишлаб чиқдик. Шу статус асосида партия конференциялари ва съездларга делегатлар ҳам, сайлаб қўйиладиган орган аъзолигига ҳам бошланғич ташкилотларнинг йиғилишларида муқобиллик асосида номзодлар кўрсатилди. Бизнинг бундан кейинги режаларимизда бошланғич ташкилотларнинг мустақиллигини ошириш муҳим ўрин эгаллайди. Ана шундагина уларнинг ишчанлигини, жанговарлигини таъминлаш мумкин. Бундан кейин партия қуйи бўғинларида юқоридан кўрсатма ва инструкциялар кутиб ўтириш барҳам топади.

Партиявий иш — ижодий иш, деб бежиз айтилмаган. Мустақиллик кўп бўлган жойда коммунистларнинг ўз ташкилоти фаолияти учун жон қуйдиришлари, унинг ишида фаол иштирок этишлари ҳам кучайиб бораверади.

О. ҲАМРОЕВА — Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхози правлениеси раиси: — Мен жумҳурият Компартиясининг бундан аввалги съездида ҳам иштирок этганман. Икки съезд ўртасида жуда катта фарқ бор. Бу галги анжуман ўзининг ишчанлиги, кун тартибига киритилган масалаларнинг ниҳоятда муҳимлиги ва унинг принципиаллик ва танқидий руҳда муҳокама қилинаётганлиги билан бутунлай ажралиб туради. Маърузада коммунистлар диққат-эътибори қаратилган энг муҳим масалалар қаторида ерга эгалик қилиш вазифасини олайлик. Бу масала чиндан ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Маърузада таъкидланганидек, уни бир томонлама ҳал қилиб бўлмайди. Деҳқонга ер берилар экан, бу ишга комплекс ёндашиш, уни уруғ, сув, техника билан етарли таъминлаш, етиштирган ҳосилини нест-нобуд қилмай, вақтида қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш зарур.

Колхозимизда, 259 гектар суғориладиган унумдор ер майдонлари деҳқонларга 20 сотихдан томорқа учун бўлиб берилди. Ҳозир бу майдонларда сабзавот ва полиз маҳсулотлари, чорва озуқаси етиштирилмоқда. Колхоз коммунистларининг қарори билан правление район ва вилоят раҳбар органларига мурожаат қилиб, хўжалик ҳудудида маҳсулот сақланадиган совутгичли омборхона қуришни таклиф этди. Бу омборхона хўжалик, шунингдек деҳқонлар етиштирган маҳсулотни шу йилнинг ўзида қабул қилиб олади. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ана шу тарзда сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилган ҳолда қабул қилинишини уюштириб, деҳқонларнинг оғирини енгил қилади.

Маърузада Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришнинг муҳим йўл-йўриқларидан бири ижарачилик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришдан иборат эканлиги ўз аксини топди. Ҳақиқатан ҳам бу — энг тўғри йўлдир. Хўжалигимизда партия ўртага қўяётган ана шу вазифалар асосида бригадаларда ижара пудрати кенг ривож топиб боряпти. Ер деҳқонларга бириктириб қўйилмоқда. Ерлик бўлган деҳқон эса ундан қандай самарали фойдаланишни жуда яхши билади. Бир мисол: 11-бригада аъзоси Карим Ғаффоров ўз оиласи билан ўтган йили 4 гектар ерни ижарага олиб, ҳар гектар майдондан 47 центнердан пахта етиштирди. Йил давомида олган маошидан ташқари 5700 сўм даромад қилди. Ёки фермер хўжаликларини олайлик. Колхоз қорамол олиб, парвариш қилаётган хўжаликларга 10 минг сўмдан қарз ва чорва озуқаси экиб етиштириши учун ҳар бош қорамол ҳисобига 5 сотихдан ер берди. Коммунист Равил Тўхтаев оила аъзолари билан 10 бош сигир асраяпти. Ҳар ойда олаётган даромади минг сўмни ташкил этмоқда. У яқин орада колхоз кассасидан олган қарзини тўлаб бўлади. Бундай фермерлар хўжаликда жуда кўп.

Мен юқорида съезд муҳокама этаётган масаланинг ниҳоятда муҳимлиги ва амалий эканлиги ҳақида гапирдим. Анжуман ана шулар юзасидан тегишли қарор ҳам қабул қилади. Бироқ бу қарорнинг кучи унинг изчил амалга оширилишидадир. Ижрони таъминлаш эса омма орасида иш олиб бораётган партия қуйи бўғинларининг ишчанлиги ва жанговарлигига, коммунистларнинг ўзлари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган ҳамкасбларига кўрсатадиган ибрат кучига, уларни ўз ортларидан эргаштириб бора олишларига боғлиқ. Ана шуни унутмаслик керак.

М. ШЕРБУТАЕВ, — Қува районидаги «Коммунизм» колхози раиси: — Съезд мажлислар зали тўридаги шнорга кўз ташланг. Унда «Халқ фаровонлиги партиянинг асосий мақсадидир», деб ёзиб қўйилган. Чиндан ҳам жумҳурият Компартиясининг ҳозирги асосий мақсади халқ фаровонлигини ошириш унинг моддий турмуш даражасини яхшилашдан иборат бўлмоқда. Бир мисол: уруш ва меҳнат ветеранларига ғамхўрликни кучайтириш юзасидан қатор қарорлар қабул қилинди, жумҳуриятимиз Президентининг шу борада Фармони ҳам чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузасида ҳам бу масала асосий ўринни эгаллади. Биз бундан хурсандмиз.

Сирасини айтганда, колхоз партия ташкилоти уруш ва меҳнат ветеранларига ғамхўрликни кучайтириш тўғрисидаги қарор ва фармонларни амалга ошириш учун зарур тадбирлар ишлаб чиққан. Хўжаликда «Хизмат кўрсатган колхозчи» унвони таъсис этилди. Унга сазовор бўлган колхозчиларнинг эса иш ҳақларига 20 фоиз қўшимча қўшиб берилади, у пенсияга чиққанидан кейин газ, сув, электр энергияси учун тўлайдиган маблағнинг ярмини колхоз ўз зиммасига олади. Шу кунларда 150 дан ортиқ колхозчига хўжаликнинг ички пенсияси бериляпти.

Партия ташкилоти йиғилишларидан бирида колхозда юқумли касалликлар борлиги, болалар ўлими кўпайиб бораётгани қишлоқ хўжалигида зарарли химикатларни қўлланиш сабабли рўй бераётгани қаттиқ танқид қилинган эди. Партия комитети шу масала юзасидан дадил қарор қабул қилиб, правлениега заҳарли химикатлардан воз кечишни талаб қилди. Мана, уч йилдирки, хўжаликда бир грамм ҳам химикатлар ишлатилмаяпти. Экологик аҳвол, кишиларнинг саломатлиги кескин яхшиланди.

Шу ерда мен эътиборингизни сўз ва иш бирлигига қаратмоқчиман. Биз баъзан жуда яхши қарорлар қабул қиламиз. Бироқ уларнинг ижросига келганда, назоратни бўшаштириб қўямиз. Аҳоли томорқа ерлари бериш ҳақидаги қарорни мамнуният билан кутиб олган эди. Колхозимизнинг ўзида 1,5 минг оилага томорқа учун унумдор, сувли ерлар ажратилди. Бироқ янгидан пайдо бўлаётган маҳаллаларни электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш масаласи пайдо бўлди. Буни колхоз ўз кучи билан ҳал қилолмайди. Юқори ташкилот раҳбарлари эса ер ажратилди, иш битди, деб хотиржам юришибди. Қишлоқни обод қилиш тўғрисидаги қарорлар жуда кўпайиб кетди. Қурилиш трестлари бу қурилишларни ўз зиммасига оладиган пайт келди. Аммо амалда шундай бўлмаяпти-да. Ана шу камчиликлар партия комитетларининг ўз қарорлари ижросини етарли даражада назорат қилиб бормаётганлиги оқибати эмасми?

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири Р. ТУРСУНОВ ёзиб олди.

Бозор иқтисодиёти ва матлубот кооперацияси

Ўзбекбирлашув кенгаши ўзининг 7 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган навбатдан ташқари йиғилишида жумҳуриятда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан Ўзбекистон матлубот кооперацияси ходимларининг вазифаларини муҳокама қилди.

Кенгаш аъзолари жумҳуриятда матлубот кооперациясининг сўнгги йиллардаги ва шу йилнинг беш ойи мобайнидаги фаолиятини муҳокама қилдилар. Коллектив ва ижара пудрати, меҳнатни ташкил этишнинг бошқа илғор шаклларидан фойдаланиш иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш имконини берганлиги айтиб ўтилди. Бироқ бошқарув системасида ва хўжалик юритиш омилида туб ўзгаришлар содир бўлмади. Юксак уюшқоқлик ва интизом билан амалга оширилган меҳнатни ва омилкорликни рағбатлантириш учун амалий шарт-шароитлар вужудга келтирилмади. Матлубот кооперация бўлинмалари чинакам иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий мустақилликка эга бўлмадилар. Товар ресурсларини шакллантиришда корхоналар билан юқори идоралар ўртасидаги муносабатларнинг маъмурий-буйруқбозлик системаси ҳамон амал қилмоқда.

Марказий Комитетнинг Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига Сиёсий маърузасида, дейилади йиғилишда қабул қилинган қарорда, жумҳуриятимизнинг бозор муносабатларига ўтишига оид таклифлар баён этилган, жумладан Ўзбекистон шароитида бозор механизмининг моҳияти ва мазмунига реал баҳо бериш, уни жорий этишнинг эҳтимол тутилган мураккабликлари ва оқибатларини кўзда тутиш, ўтиш даври кескинлигини юмшатиш учун олдиндан шарт-шароит яратиш зарурлиги айтилди. Буларнинг ҳаммаси кооперация фаолиятида қайта қуришни чуқурлаштиришни, унинг имкониятларидан янада самарали фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекбирлашув кенгашининг йиғилиши жумҳуриятда матлубот кооперациясининг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишига оид тадбирларнинг амалий режасини қабул қилди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Илгари Ўзбекбирлашув бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган Г. Г. Волков бошқарув раиси бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Ў. Қ. Исмоилов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 30-40-ва 50-йилларнинг бошларидаги даврда содир этилган қатағонлар билан боғлиқ материалларни қўшимча равишда ўрганувчи комиссиясида

Комиссиянинг А. Н. Яковлев раислигида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида комиссия ташкил этилган пайтдан (1987 йил сентябрь) бошлаб ҳозирги вақтгача амалга оширган ишларига якун ясалди. Комиссия иш бошлаганидан буён 60-йилларнинг ўрталарида тўхтатиб қўйилган 30-40 ва 50-йилларнинг бошларидаги даврда содир этилган қатағонлар қурбонларини оқлаш жараёни амалда қайта тикланганлиги ва зарур даражада жадаллаштирилганлиги айтиб ўтилди. Оммавий ахборот воситаларида фожиали ўтмишнинг сабаблари ва оқибатлари батафсилроқ ёритила бошланди.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил октябрь Пленуми қарорлари, партия Марказий Комитетининг қатағон қурбонларини оқлаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ ишларни тугаллашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисидаги қарорлари, бир қанча сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатлар комиссиянинг фаолиятидаги самарали ўзгаришларга ҳал қилувчи даражада кўмаклашди, СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 16 январда қабул қилган фармони ҳам комиссиянинг фаолияти билан боғлиқдир. Мазкур фармонда суддан ташқари органлар — ички ишлар халқ комиссариати — ички ишлар халқ комиссариати бошқармасининг «учлар» ташкилоти, бирлашган давлат сиёсий бошқармаси коллегиялари ва ички ишлар халқ комиссариати — давлат хавфсизлиги министрлиги — ички ишлар министрлигининг «махсус кенгашлари»нинг қарорларини ғайриқонуний деб топди, ана шу қарорлар асосида қатағон қилинган фуқароларни оқланган деб эътироф этди.

1988—1989 йилларда ва 1990 йилнинг биринчи ярмида бир миллионга яқин фуқаро оқланди. Номи оқланганларнинг умумий сони эндиликда икки миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 16 январдаги фармонига биноан фуқароларни оқлаш деярли тугалланди.

Улуғ Ватан уруши даврида Ватанга хиёнат қилган шахслар, жазо отрядларининг аъзолари, нацист жиноятчилари, миллатчи қисмлар тўдаларининг қатнашчилари ва уларнинг гумашталари, жиноий ишларни сохталаштиришда фош этилган маъмурий органларнинг собиқ ходимлари, қасддан одам ўлдирган ва бошқа оғир жиноятлар қилган шахслардан 21333 киши оқланмади. Шу билан бир вақтда сиёсий жиноятларда асоссиз айбланган ва репрессияга дучор қилинган партия аъзоларининг шанини тиклаш жараёни бормоқда. 1988—1989 йилларда иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, СССР Қуролли Кучларининг сиёсий органлари, шунингдек КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия назорати комитети суд йўли билан оқланган 11839 коммунистнинг шахсий ишини кўриб чиқдилар. Улардан 11399 киши КПСС сафларига тикланди. Коммунист номига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлар қилган 440 киши партияга тикланмади.

Сиёсий мухожирлар, Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг бир қанча қисмини оқлаш юзасидан катта иш олиб борилди. Йирик сиёсий жараёнларга оид материалларни қўшимча равишда ўрганиш комиссия фаолиятида алоҳида ўрин олди. Аниқланганидек, ана шу барча жараёнлар ўзбошимчалик ва қонунни қўпол равишда бузишнинг оқибати бўлди. Сиёсий жараёнларга оид материаллар қўпол равишда сохталаштирилди. Ҳақиқатда «блоклар» ҳам, «марказлар» ҳам бўлмаган. Уларни сунъий равишда ташкил этганлар. Сиёсий жараёнларни бошидан кечирган кишилар суд йўли билан оқланиб, партияга қайта тикландилар.

Комиссия шу билан бирга оқлаш жараёнини тугаллашни таъминлайдиган узил-кесил чоралар қабул қилиш зарурлигига эътиборни қаратди. Азият чекканлар, уларнинг қариндошлари ва ёру биродарлари ҳақиқат ва тарихий адолат тўла тикланишини кутмоқдалар.

Сиёсий жараёнларга тайёргарлик кўришда ва уларни ўтказишда ўтмишда ишларни сохталаштириш кенг қўлланилганлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган комиссия СССР Прокуратурасига, СССР Давлат хавфсизлиги комитетига ва СССР Олий судига «Эркин Россияни қайта тиклаш учун кураш умумхалқ иттифоқи («академик иш»)», «РСДРП (б) Марказий Комитети иттифоқ бюроси», «Рус миллий иттифоқи» Москвада эсэрчилар гуруҳи қатнашчилари, «Умумроссия» республикачилар демократик партияси, «Саноат партияси» ва «қишлоқ хўжалигида контрреволюцион фитна» («сиёсий марказ») ташкилотлари ишлари деб аталган жараённи бошидан кечирган фуқароларни жиноий жавобгарликка тортишнинг қонунийлиги тўғрисидаги материалларни текширишни тугаллашни тавсия этди. Ана шу жараёнларни бошидан кечирган фуқароларнинг шахсий ишлари, қабул қилинганидек, партиявий тартибда кўриб чиқилади.

Собир Камолович КАМОЛОВ

Партия ва меҳнат ветерани Собир Камолович Камолов 1990 йилнинг 6 июнида вафот этди.

С. К. Камолов 1910 йил 2 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини 15 ёшида бинокор-ишчи сифатида бошлаган. 1926 йилда комсомолга аъзо бўлган, комсомол ташкилотлари ишида фаол қатнашган: Ўзбекистон комсомоли Янги Бухоро район комитетининг котиби, Қорақалпоғистон вилоят комитетининг котиби бўлган. С. К. Камолов 1931 йилдан — КПСС аъзоси. 1937 йилдан раҳбар партия ва совет ишида бўлди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент район комитети, Марғилон шаҳар комитетининг биринчи котиби, Фарғона вилоят комитетининг биринчи ва иккинчи котиби, Қорақалпоғистон вилоят комитетининг биринчи котиби этиб сайланган.

1950-1955 йилларда С. К. Камолов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби, сўнгра Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси бўлиб ишлаган. 1957-1959 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланган. Кейинчалик у Фарғона вилоят ижроия комитетига бошчилик қилган, дон маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министрининг биринчи ўринбосари, тайёрлаш министрининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

С .К. Камолов қарийб тўрт йил мобайнида Ўзбекистон Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти раисининг биринчи ўринбосари бўлди. 1986 йилдан пенсияда эди.

С. К. Камолов учта Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз, учта «Ҳурмат Белгиси» орденлари, медаллар билан мукофотланган, «Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвонига эга эди.

Ажойиб инсон, коммунист, содиқ ўртоқнинг ёркин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Р. Ғуломов, Н. А. Муҳиддинов, Г. И. Скоробогатов, О. А. Алимов, Ғ. Ғ. Юсупов, Ғ. Н. Насриддинов, И. К. Ҳусниддинов, Б. С. Камолов, А. К. Искандаров, С. К. Камолов, А. Пайғомов, К. Расулов.

Ахборот

Олдинда—жавоб ташрифи

• Ҳамкорлик қирралари

Ленинград вилоятининг Гатчина шаҳрида ўзбек таомлари ойлиги тугалланди. Унинг якунлари тўғрисида ойлик иштирокчиси, Чирчиқ умумий овқатланиш трести директорининг ўринбосари Юнус Ҳасанов шундай дейди:

— Гатчинадаги «Меркурий» ресторанига келганларга хилма-хил миллий таомлар —палов, кабоб, лағмон, шўрва, мошхўрда, чучвара, норин, сомса, манти, иссиқ нон, аччиқ-чучуклар ва кўпгина бошқа таомлар таклиф қилинди. Бизнинг таомларимиз одамларга қанчалик маъқул бўлганини ресторанининг кундалик даромади анча ошганлигидан ҳам билиш мумкин. Маҳсулотимизнинг бир қисми «Меркурий» хузуридаги кулинария дўконида сотилди. Гатчинага биз Шарқ ширинликларини ҳам олиб келдик. Бу маҳсулотларнинг кўргазма савдоси натижалари кутганимиздан ҳам зиёда бўлди. Атиги бир ой ичида биз 12 минг кишига хизмат қилдик. Ошпазларимиз Виборг, Сосновый Бор, Лодейное поле ва Ленинград вилоятининг бошқа шаҳарларидан келган ўз ҳамкасблари билан миллий таомлар тайёрлаш тажрибаси ва сирларини саҳийлик билан ўртоқлашдилар.

Ойлик давомида ҳамма нарсада миллийликка риоя қилинди. Чирчиқлик чеварлар «Меркурий» ресторани официантлари учун беқасамдан либослар тикиб беришди. Шарқ қандолатлари сотаётганлар чопон кийган эдилар. Дастурхонлар миллий идишлар — лаганлар, косалар, пиёлалар ва зировар солинадиган идишлар билан тузалди. Дарвоқе, биз буларнинг ҳаммасини меҳмондўст мезбонларга қолдирдик. Ўз навбатида Ленинград вилоят ижроия комитетининг савдо ва умумий овқатланиш Бош бошқармаси бизнинг ошпазларимиз учун хамир қорадиган машиналар, чет элда ишлаб чиқарилган сабзавот тўғрагичлар, овқатга солинадиган муз тайёрланадиган қурилмалар етказиб беришади.

— Биз ойлик шундай муваффақият билан ўтганидан хурсандмиз, — деб ҳисоблайди Гатчина умумий овқатланиш трестининг директори Людмила Шчукина. — Бу дастлабки танишув бўлди, лекин биз бу билан чекланиб қолмаймиз. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз тажрибаси энди бизга ўзбек таомлари ҳафталиклари ва ўн кунликларини мустақил ўтказиб туришга ёрдам беради.

Кузда ленинградлик моҳир ошпазлар жавоб ташрифи буюришади — Ўзбекистонда рус таомлари ойлиги ўтказилади.

(ЎзТАГ мухбири).

Қишлоқ шифохонаси қуриляпти

● Қамаши районидаги 214-Тўқбой сайлов округидан Ўзбекистон халқ депутатлигига сайловлар олдидан бўлажак депутатга қамашиликлар бир неча наказлар билан мурожаат қилишганди.

Улардан бири анчадан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилган қишлоқ шифохонаси қурилишини жадаллаштириб юборишдан иборат эди.

Айни кунларда депутатлар амалий ёрдами натижасида райондаги Ленин номли ва Калинин номли колхозлар туташ теграсида шифохона қурилиши бошлаб юборилди.

60 ўринга мўлжалланган бу шифохона замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланади. Қурилишни олиб бораётган 239-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари шу йилнинг ўзидаёқ 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришни кўзда тутишяпти.

М. ЭСОНОВ.
Қашқадарё области.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА ЙЎЛЛАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

РСФСР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН ОИЛАЛАРНИ

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА КЎЧИРАДИ

КЎЧИШНИ ХОҲЛАГАН ГРАЖДАНЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚУЙИДАГИ МУДДАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

— НОВГОРОД ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача;

— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача.

РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача.

КЎЧИРИШ УЧУН КАМИДА МЕҲНАТГА ЯРОҚЛИ ИККИТА АЪЗОСИ БЎЛГАН ОИЛАЛАР ФАОЛЛАШТИРИЛАДИ.

Кўчиш учун расмийлаштирилган оилаларга бориладиган жойга текинга етиб олиш ва ўзлари билан 2 тоннагача юкни бепул олиб кетиш ҳуқуқи берилади, бир йўла ёрдам пули тўланади, турар жой ёки квартира, ҳовлисида керакли бинолар бўлган томорқа берилади.

Янги кўчиб келганлар икки йил мобайнида квартира ҳақидан озод этиладилар.

РАСМИЙЛАШТИРИШ БУЙИЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

ШАҲАРЛАРДА — шаҳар, область ишга жойлаштириш марказлари ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига;

НУКУС шаҳрида — ҚҚАССР республика марказига;

РАЙОНЛАРДА — ишга жойлаштириш бюроларига;

ТОШКЕНТ шаҳрида — Космонавтлар проспекти, 6-уй ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш район пунктларига.

РЎЗҒОР МУЛКИНИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШДАГИ ЯНГИЛИК

Рўзғор мулкини кўнгилли равишда суғурта қилдиришда умумий шартнома бўйича ва махсус шартнома бўйича суғурта қилдиришдан иборат икки вариант кўзда тутилади. Суғурта қилдирувчи мақбул вариантларини ўзи танлайди. Бунда рўзғор мулкини суғурта қилдириш тўғрисида умумий шартнома тузилган ҳолда қўшимча шартнома ҳам тузилиши мумкин.

Хўжаликда мавжуд бўлган барча рўзғор мулки (махсус шартнома бўйича суғурта қилинадиганларидан ташқари), шунингдек, квартираларни пардозлаш ва жиҳозлаш элементлари умумий шартнома бўйича суғурта қилинади.

Қимматбаҳо металлар, ярим қимматбаҳо ва қўлда майда зебу-зийнат ясашга ярайдиган (рангли) тошлар, коллекциялар, суратлар, ноёб ва антиқий нарсалар, қиймати 1000 сўмдан ортиқ бўлган радио ва телеаппаратуралар, видеоаппаратуралар, компьютерлар, фото ва киноаппаратуралар, чолғу асбоблар (пианино ва роялдан бўлак), электрон аппаратуралар ва электр асбоблари, умумий қиймати 1000 сўмдан ортиқ бўлган кассеталар ва грампластинкалар, транспорт воситаларини деталлари ва ашёлари, шунингдек шахсий гаражларда сақланаётган бошқа мол-мулклар, суғурта қилдирувчининг ер участкасида сақланаётган уй-жой, дала ҳовли ва хўжалик бинолари қуриш учун ишлатиладиган қурилиш материаллари қиймати 5000 сўмдан ортиқ бўлган бошқа уй-рўзғор анжомлари махсус шартнома бўйича суғурта қилинади.

РЎЗҒОР МУЛКИНИ ЯНГИ ҚОИДАЛАРГА АСОСЛАНГАН ШАРТЛАРДА СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ҚУЙИДАГИ АФЗАЛЛИКЛАРГА ЭГА:

— суғурта ҳодисаларининг рўйхатини кенгайтириш;

— квартира ремонти учун жавобгарликнинг жорий этилиши;

— доимий суғурта қилдирувчиларга тўловлар бобида 20 фоиз енгиллик берилиши;

— буюмларнинг ишлатилганлик даражасини ҳисобга олмаган ҳолда уларни ремонт қилишга сарф бўладиган ҳаражатларнинг тўланиши;

— суғурта пулини тўлаш тартибининг соддалаштирилиши.

Шунингдек, суғурта қилдирувчининг доимий яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ ҳолда рўзғор мулкининг барча туридаги транспорт воситасида ташиб кўчирилиши (СССР ҳудуди доирасида) вақтига бу мулк суғурта қилдирилган ҳисобланади.

Рўзғор мулкини умумий ёки махсус шартнома бўйича суғурта қилдиришни истасангиз, турар жойингиз ёки ишхонангиздаги Давлат суғурта инспекциясига мурожаат қилиб ёки суғурта агентини уйга таклиф этиб суғурта шартлари билан батафсил танишишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

• Спорт •

ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Бугун Рим шаҳрида жаҳон чемпионати байроғи кўтарилади

Орзиқиб кутилган дамлар келди. Жаҳондаги миллионлаб мухлислар учун беором кунлар бошланмоқда. Бир ой мобайнида 50 дан зиёд учрашув ўтказилиб, жаҳон кубогининг янги соҳиби аниқланади. Зеро, бу айтишга осон. Чемпион бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермаслиги мухлисларга аён. Футбол анжуманига энг сараланган, кучлиларнинг кучлиси ҳисобланган, машқини тобига етказган чарм тўп усталари тўпланишган. Шунга қарамай, футбол тасодифларга бой бўлгани учун ҳам бирон бир команда ё ўйинчининг омади чопиб, миллионлар оғзига тушиши, жаҳон чемпионатлари солномаси саҳифасидан муносиб ўрин олиши ҳеч гап эмас.

Маълумки, чемпионликка даъвогар бўлиб турган 24 команда 6 группага бўлиниб, дастлабки босқич учрашувларини ўтказади. Чемпионатнинг ана шу қадамидаёқ «чақилмас енгоқ» деб довруғ таратган ёки майдонда ҳали ўзини намоён этишга улгура олмаган командалар сараланади. Умуман, ҳаммаси яшил майдонда аён бўлади. Олдиндан аниқ бирор гап айтиш қийин. Учрашувларнинг деярли ҳаммасини марказий телевидение орқали олиб кўрсатиш режалаштирилган. Демак, бир ой мобайнида «зангори экран» қаршисида ўтириб, Италиянинг бир қанча шаҳарларида ўтказилувчи учрашувларнинг шоҳиди бўлиб ўтирганлар билан ҳамнафас бўламиз.

Чемпионат бошланмай туриб, ҳар бир команданинг қандай ўйнаши, пировард натижаси ҳақида қизғин мулоҳаза, мушоҳада юритиш ва тахминлар айтиш жазавали бўлди. Бу ўринда гипнозчилар, фолбинлар, қоларерса, электрон ҳисоблаш машиналаридан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. Компьютер машиналарини ишга солган инглиз Ян Гамильтоннинг башоратлари айниқса ошиб тушди. 30 ёшли бу йигитнинг ҳисоб-китоблари чемпионат арафасида кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Унинг маълумотига қараганда, биринчи босқич баҳсларида ўз группалари бўйича Италия, СССР, Бразилия, ГФР, Бельгия ва Голландия командалари муваффақият қозонади. У иккинчи ўринни олганлар ҳақида лом-мим демайди. Ним чорак финал учрашувлари ҳақида фикр юритиб, Аргентина—Бразилия футболчиларига (1:2) ютқазади дейди, Австрия командасини совет ўйинчиларидан (1:0) устун келиши ҳақида маълумот беради. Руминия—Англия, Колумбия — Бельгия ўйинлари дуранг бўлиб, пенальти тўпи тепишда инглиз ва Колумбия футболчилари устун келаркан. Шунингдек, Италия — Шотландия (3:0), ГФР—Ирландия (3:1), Голландия—Испания (3:1) ҳисобида якунланармиш.

Чемпионат ғолибини олдиндан тахмин қилиш устаси чорак финал учрашувлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар тўпланган. Унинг сарҳисобига қараганда, ГФР футболчилари Швеция командасига (3:4) ютқазиб, тасодиф юз бериши керак. Чемпионат мезбонлари Англия командасини (2:0) ютишса, Голландия ўйинчилари Австрия командаси билан учрашувда жарима тўплари тепиш билан орани очиқ қиладилар. Бразилия командаси эса Колумбия дарвозасига жавобсиз учта тўп киритади. Шундай қилиб, ярим финалда Швеция командаси Голландия футболчилари билан учрашади. Бу ўйиннинг 18-минутида Рууд Гулит биргина тўп киритиб, голландларга ютуқ келтирармиш. Италия футболчилари эса Бразилия командасини шу ҳисобда доғда қолдирармиш. Ниҳоят, ҳал қилувчи учрашувда майдон эгалари Голландия футболчилари билан деярли 90 минут мобайнида ҳисобни (2:2) қилиб, хуштак чалиниши олдидан Роберто Донодон киритган тўп билан зафар қучиб, тўртинчи марта жаҳон чемпиони номига сазовор бўларканлар.

Гап бошқа-ю, иш бошқа дейишади. Олдиндан тахмин қилган ашаддий ишқибознинг башоратлари қанчалик рўёбга чиқишини ҳали кўрамиз. Чунки, ҳар бир команда имкониятини бой бермасликка астойдил ҳаракат қилади. Чунончи Италиядаги афсунгарлар уюшмасининг фикрларига қараганда, жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи босқичларида СССР ва Бразилия футболчилари ўзларини кўрсатарканлар. Шунингдек, Италия ва Камерун командалари билан муваффақиятли ўйнаб, навбатдаги босқич баҳсларини давом эттиришга шай бўлиб туришибди, деб айта оламизми? Футболчиларимиз устози Валерий Лобановскийнинг таъбири билан айтганда, совет командаси ярим финалга чиқишни кўзлаб турибди. Демак, бу чемпионатдан қуруқ қайтмасликка бир ишора. Терма командамиз билан сўнгги марта жаҳон чемпионатига йўл олган футболчилар мураббийсининг фикрича Италия, Бразилия, Голландия, Испания, ГФР ва СССР командалари фахрли ўринларга даъвогарлик қилувчи коллективлар сирасига киради.

Терма командамиз билан бир гуруҳда ўйновчи Аргентина, Руминия ва Камерун коллективларининг тайёргарлиги ҳақида икки оғиз сўз. 1978 ва 1986 йилларда жаҳон кубогини қўлга киритган Аргентина футболчиларининг сардори Марадона ҳақида нохуш фикрлар билдирилмоқда. Маълум бўлишича, бу чапдаст ўйинчи машқ пайтида жиддий лат еган ва чемпионат учрашувларида иштирок этолмаслик хавфи бор экан. Команда тренери Карлосе Билардонинг айтишича СССР ва Руминия командалари билан бир гуруҳда ўйнаш осон кечмайди. Айниқса, ҳамкорликни ўрнига қўядиган, майдонда бир кишидек ҳаракат қиладиган совет футболчиларининг панд бериши ҳеч гап эмас. Руминия ва Камерун футболчилари ҳам бўш келмайдилар.

Футболчиларимиз билан тўп суришга чоғланиб турган Руминия терма командаси Европада таниқли «Стяуа» ва «Динамо» ўйинчиларидан ташкил топган. Румин йигитларининг мураббийси Эмерих Еней ўз командасини жиддий рақобатчи бўлишига ишонса ҳам, ҳар бир учрашув қизғин баҳсга айланишини эътироф этмоқда. Камерун футболчилари ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Қизиғи шундаки, бу командага бир вақтлар Самарқанд динамочиларига тренерлик қилган Валерий Непомняший устозлик қилмоқда. У камерунликларга совет футболи услуби бўйича сабоқ берган бўлса-да, командада кўпроқ Европа шаҳарларидан тўпланган ўйинчилар тўп суратганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳар қалай бу командани биринчи босқичдаёқ осонгина «бир ёқлик» бўлади, дейиш қийин.

Шундай қилиб, бугун Италия пойтахтида футбол байрамининг бошланишига бағишланган тантанали маросим бўлади. Чемпионат эса Аргентина-Камерун командалари ўйини билан бошланади. Финалда қайси командаларнинг майдонга тушишини эса вақт кўрсатади.

Ҳ. НОСИРОВ.

• *Китоб~маънавият кўзгуси*

НОШИРЛАРГА ХОС МУАММО

● Рўзномамизда босилган «Ҳаммаси мактабдан бошланади», «Кўнглимиз равшан бўлди» сарлавҳали мақолаларда Хоразм қишлоқларида китоб савдосини ташкил этишдаги илк тажрибалар ва муаммолар ҳақида фикр юритилган эди. Уларда ноширларга таллуқли масалалар ҳам кўтарилган, турли таклифлар ва эътирозлар билдирилганди.

Матбаачиларни узоқ кутириб қўйишмади. Масалани амалда ўрганиш учун воҳага ташриф буюришди. Учрашув Урганч район, Энгельс номли жамоа хўжалигидаги «Совет Ўзбекистони» дўстлари боғида бўлиб ўтди.

— Дунёда 7 мўъжиза бор, — деб ўз сўзини бошлади жумҳурият матбуот Давлат комитетининг бош муҳаррири Б. Шарипов. — Миср эҳромлари, эрам боғлари... Лекин яна бир шундай мўъжиза борки, улардан устивор ва улуғвордир. Бу — китоб. У тарихни ўргатади, замонни англатади, келажакни кўрсатиб беради. Биз бу тенгсиз хазинани асрашимиз, авайлашимиз, ардоқлашимиз зарур.

— Ҳозир жумҳуриятимизда жами 50 миллион нусха атрофида китоб нашр этилади. Афсуски, бу катта рақам ҳам ўқувчилар эҳтиёжини қопламаяпти. Ўзбек тилида тарихий, маърифий, ижтимоий, болаларбоб яхши китоблар кам. Шу боис, сизларнинг эътирозларингиз ўринли, таклифларингиз тўғри. Биз ноширлар уларни ҳал этиш чораларини кўрамиз.

Ёзувчи—ношир — китобхон. Китобнинг савияси ана шу уч кишининг меҳнатига муносабати билан боғлиқ. Бу учрашувда худди шу масалалар хусусида фикр алмашилди. Лекин «таёқнинг учи» кўпроқ ноширлар бошига тегди. Нега сифатсиз китоблар кўп чиқарилади? Машраб, Мафтунқули, Яссавий асарларини қачон ўқиймиз? Нима учун китобнинг нархи қиммат-у, савияси паст ва ҳоказо.

Ноширларнинг ҳам дардлари кўп экан. Босмаханалар маънавий эскирган, қоғоз танқислиги ишнинг белига тепяпти. Муаллифлар яхши асарлар тақдим этишмайди, кадрларни тарбиялаш зарур. Хуллас, ноширлар фаолиятида ҳам қайта қуриш секин боряпти. Албатта, жумҳуриятимиздаги барча нашриётлар ишига бирдай баҳо бериб бўлмайди. Масалан, «Чўлпон» нашриёти кейинги пайтда бир қатор ибратли ишларни амалга оширди.

Учрашувда «Чўлпон» нашриётининг бош муҳаррири А. Обиджон, Хоразм вилояти матлубот жамиятлари правлениеси раиси О. Ўразметов, шоирлар Р. Бекниёз, М. Абдулҳакимов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар китоблар савияси, сифати, тарғибот-ташвиқот ишларини, қишлоқларга кўпроқ яхши китобларни етказиш йўллари устида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Энди ҳамма гап ана шу таклиф ва мулоҳазаларни амалга оширишда.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УСТОЗЛАР ВА ШОГИРДЛАР



Устозлар: (чапдан ўнгга) Н. Симонян, В. Лобановский ва Ю. Морозов.

● Чарм тўп бўйича XIV биринчилик мусобақаларида мамлакатимиз спорт шарафини улар ҳимоя қилишади: (чапдан ўнгга): юқори қаторда — А. Уваров, С. Алейников, О. Протасов, Р. Дасаев, А. Цвейба, В. Лютий, С. Фокин, В. Чанов; ўрта қаторда — И. Шалимов, С. Горлукович, О. Кузнецов, А. Зигмантович, Г. Литовченко, А. Демьяненко, А. Бородюк, В. Брошин; қуйи қаторда — А. Заваров, В. Рац, И. Яремчук, В. Хидиятуллин, И. Добровольский, В. Бессонов.

Ишқибоз ён дафтарига

ЧЕМПИОН КИМ БЎЛАДИ?

● Жаҳон биринчилиги 1930 йилдан бошлаб ўтказиб келинмоқда. Олти мамлакат терма командаси чемпионликка эришган. Чунончи, Бразилия ва Италия (уч мартадан), Уругвай, Аргентина ва ГФР (икки мартадан) ҳамда Англия терма командалари бош соврин билан мукофотланганлар. Финал ўйинлари қуйидагича тугаган:

1930 йил. Уругвай — Аргентина — 4:2.
1934 йил. Италия — Чехословакия—2:1.
1938 йил. Италия — Венгрия — 4:2.
1950 йил. Биринчилик тарихида илк бор тўрт коллектив — Уругвай, Бразилия, Испания ва Швеция чарм тўп усталари кураш олиб боришди. Ғолиблик Уругвай командасига насиб этди.
1954 йил. ГФР — Венгрия — 3:2.
1958 йил. Бразилия — Швеция — 5:2.
1962 йил. Бразилия —Чехословакия—3:1.
1966 йил. Англия — ГФР — 4:2. (қўшимча вақтда).
1970 йил. Бразилия — Италия — 4:1.
1974 йил. ГФР — Голландия — 2:1.
1978 йил. Аргентина — Голландия —3:1 (қўшимча вақтда).
1982 йил. Италия — ГФР — 3:1.
1986 йил. Аргентина — ГФР — 3:2.
1990 йил. ?—?-?

БИР-БИРИГА МУНОСИБЛАР

● XIV чемпионати гуруҳлари
«А»—Италия, Австрия, АҚШ, ЧСФР.
«Б»—Аргентина, Камерун, СССР, Руминия.
«В»—Бразилия, Швеция, Шотландия, Коста—Рика.
«Г»—ГФР, Югославия, Бирлашган Араб Амирлиги, Колумбия.
«Д»—Белгия, Жанубий Корея, Уругвай, Испания.
«Е»—Англия, Ирландия, Голландия, Миср.

КИМЛАР ҲАКАМЛИК ҚИЛАДИ?

● Гуруҳлардаги учрашувларни мусобақа бошланишидан анча олдин танлаб олинган 36 ҳакам бошқариб боради. Бу рўйхатда Франция ва Италия мамлакатларининг иккитадан вакили бор. Қолганлари 32 мамлакат вакилларидир.

Инглиз Куртни «ёши улуғ» ҳакам ҳисобланади. У—49 да. Даниялик Миккельс эса энг ёш ҳакам, у 1960 йилда туғилган.

ҲАДДИНГДАН ОШМА, ИШҚИБОЗ!

● Маълумки, Италиядаги биринчилик ўйинлари ўн икки шаҳарда ўтказилади. Стадиондаги осойишталикни ва кўчалардаги тартибни сақлаш учун алоҳида кучлар ажратилган. Биринчилик давомида Италия кўчаларида ўн минг киши маълум жойларда қўриқчилик қилади, 7,5 минг полициячи ва карабинерлар, 2,5 минг молиявий гвардия ходимлари осойишталикни сақлаш учун курашадилар.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи Бухоро области бўйича ўз мухбири Н. Наимовга акаси

НАИМОВ Каромат Исмат ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот вазирлиги иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1930 йилдан КПСС аъзоси

Нажмиддин НАСРИДДИНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг жумҳурият радиоси жамоаси машинистка М. Маҳмудовага турмуш ўртоғи

Уткир АЗИМЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Чўлпон» нашриёти жамоаси ўрта мактаб ёшидаги болалар адабиёти бўлими мудири Т. Алимовга онаси

Шарофат ДУСТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директорининг биринчи ўринбосари С. Ғ. Ғуломовга онаси

Собирахон ҒУЛОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти жамоаси шу институтнинг собиқ катта илмий ходими

Тоҳир Қосимович ҚОСИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 03296. № 131. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12